

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ. ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 228

26

ДЕКАБРЬ
ЯКШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Бўл омон, пахтакор ҳур Ўзбекистон,
Сен Шарқда нурафшон юртим, топ камол.
Советлар байроғи, зафар байроғи—
Доимо бахш этар сенга шон—иқбол.

(«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси гимни»дан).

Ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг буюк ҳаётбахш кучи

Бугун бахтиёр Ўзбек халқи бутун совет халқи билан биргаликда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг шонли 30 йиллигини нишонлайди. СССР халқларининг қардошлик оиласидан муносиб ўрин олган Ўзбек халқи ўз республикасининг 30 йиллигини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофида янада маҳкам жипслашган, ҳўжалик ва маънавий қурилиш соҳасида мислсиз катта муваффақиятларга эришган бир шароитда кутуб олмоқда.

Ўзбек халқининг келажаги мамлакатимизда коммунизм қураётган барча қардош совет халқларининг порлоқ келажаги каби янада фаровон, янада гўзалдир. Коммунистнинг ҳаётбахш кўсиши СССРдаги барча халқларга буюк нур сочмоқда, уларнинг моллиги ва маънавий фаровонлиги билан баббаравар баҳраман қилмоқда.

Исёният тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революцияси эксплуатация ва миллий зулм қишқирларини абдий парчалаб ташлади. Коммунистик партиянинг ленинча-сталинча миллий сиёсати СССРда яшовчи барча халқларга янгилик янаша, янгилик ҳаёт кўриш ва иқом қилишнинг порлоқ йўлини кўрсатиб берди. Ленинча-сталинча миллий сиёсат туфайли СССР халқларининг қардошлик оиласига кирган барча миллат ва эрқлар ҳўжалик ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида буюк тараққиётга эришдиларки, бундай тараққиётнинг хали кишилик тарихи кўрган эмас.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қалар Ўзбекистон чор Россиянинг қолоқ мустамлака ўлкаси бўлиб, унда ишлагичларнинг капитализмга қалар бўлган формалари мавжуд эди. Чор ҳукумати ўлканинг экономикаси ва маънавиятини юксалтириш тўғрисида мутлақо ўйламади. Чор Россияси миллий зулм ўчоғи, «халқлар турмаси» эди.

Ўзбекистон территориясининг Россияга қўшилиши буюк прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, ўлкада ишлагичларнинг кучлари ўсиб, Ўзбек халқи илгир рус маданияти, сан'ати, адабиёти билан танишди. Ўзбекистон территориясининг Россияга қўшилишининг муҳим томони шундаки, Ўзбек халқи энг илгир, революцион синф бўлган рус ишчилар синфи каби қудратли иттифоқчига эга бўлиб, Чувки, Россия революцион ҳаракатининг маркази, ленинизм ватани эди.

Ўзбек халқи ўз тақдирини улуғ рус халқининг тақдирини билан боғлаб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг гўли байроғи остига биришди ва Коммунистик партия раҳбарлигида помешчик ва капиталистлар, боилар, амирлар ва хонлар ҳокимиятини алдариб ташлади.

Октябрь революцияси ва унинг натижасида вужудга келган социалистик ҳўзум, Коммунистик партиянинг ленинча-сталинча миллий сиёсати СССРдаги барча миллатларнинг эркин тараққиёти учун шундай кенг йўл очиб бердики, бу йўл СССР халқларининг қардошлик оиласига кирган барча халқлар учун, шу жумладан Ўзбек халқи учун энг тўғри ва порлоқ йўл—коммунизм йўлидир.

Коммунистик партиянинг ленинча-сталинча миллий сиёсати Ўзбек халқининг ҳаётли манфаатларини ифода этди. Бу сиёсат республикамизда саноати ва қишлоқ ҳўжалигининг туркираб ёпишини, шаклан миллий, мазмунан социалистик маънавиятини; кўн сайин гуллаб-яшнашнинг таъминлайди.

Совет Ўзбекистони саноатнинг ривожланиш сўрати жиҳатидан Европадаги энг тараққий топан капиталистик мамлакатлардан анча ўзиб кетди. Кейинги 30 йил мобайнида Ўзбекистоннинг саноати қатъий 50 марта ўсиб, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда қора ва рангли металлургия, турли машинасозлик, станоксозлик, химия саноати ва бошқа саноат томонлари вужудга келди. Электрэнергия ишлаб чиқариш бир неча юз марта кўпайди. Ҳозир Ўзбекистон гидроэнергетика фойдаланиш ва республикада ишлаб чиқариладиган гидроэнергиянинг салмоғи жиҳатидан СССРда биринчи ўринда турди.

Республикамизда янги саноат марказлари—Чирчиқ, Бекобод, Олмалик, Охангарон, Янгийў ва бошқа социалистик шаҳарлар бунёдга келди ва ривожланди. Улардан Бун ўстиги йилларида вужудга келтирилган Охангарон кўмир ҳавзаси Ўзбекистонга, ўрта Осиё республикаларига ва бошқа республикаларга миллионлаб тонна кўмир бермоқда. Чирчиқдаги электр

трехимия комбинати, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводи ўз маҳсулотлари билан бутун дунёга танилиди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли республикамиз қишлоқ ҳўжалиги ва унинг етакчи томи бўлган пахтачилик гўт тез сўр'атлар билан ривожланмоқда. 1953 йилда республиканинг қишлоқ ва совхозларида пахта етиштириш 1913 йилга нисбатан деярлик тўрт марта ва 1940 йилга нисбатан 82 процент ўсиб, 1940 йилдан 1953 йилгача Ўзбекистонда ҳар гектардан олинган пахта ҳосили 17 центнердан 21,1 центнергача кўпайди. Бу йил давлатга ўтган йилгача нисбатан бирмунча кўн пахта топширган Ўзбекистон пахтакорлари 1953 йилда сўриладиган ерларнинг ҳар гектаридан—қишлоқларда 24 центнердан ва совхозларда 28 центнердан пахта етиштириб бериш мажбуриятини олдилар.

Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати негизда шаклан миллий ва мазмунан социалистик маънавият гуллаб-яшнамоқда. Республикада соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, уй-ҳўй қурилиши тобора ўсмоқда, сан'ат, адабиёт равоқ топаётди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 5194 мактаб, 34 та олий ўқув юрти, 98 техникум ва бошқа ўрта ўқув юртлари бор, 207 газета, 17 журнал нашр этилмоқда. Маънавий-оқратув муассасалари кенг ривожланмоқда, 26 театр, 3500 клуб ва маънавий саройлари, 3010 кутубхона республикамиз меҳнаткашларига хизмат қилмоқда.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси Коммунистик партия, Совет ҳукумати ғамхўрлигининг буюк натижасидир, оғамиз улуғ рус халқи ва бошқа қардош халқлар ерларининг эркин самарасидир, халқлар дўстлиги идеологиясининг, пролетар интернационализми идеологиясининг зўр тантанасидир.

Республиканинг 30 йил ичида эришган муваффақиятлари Коммунистик партиянинг доно ленинча-сталинча миллий сиёсати ўзининг самарали натижаларини бераётганлигини, бу сиёсат СССР халқларининг ҳақиқий ҳаётли манфаатларига мос эканлигини кўрсатади. Доно ленинча-сталинча миллий сиёсат туфайли Ўзбекистон гуллаб-яшнаётган социалистик республикага, Совет Иттифоқининг асосий пахтачилик базасига, социализмнинг Шарқдаги маш'алига айланди.

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари каби Тошкент областининг меҳнаткашлари ҳам Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғаслари билан қўлиб олмоқдалар. Совет Ўзбекистонининг 30 йиллиги паравида бошланган социалистик мусобақа 1954 ҳўжалик йилини муваффақиятлар ахуллаш учун курашга жўда катта роль ўйнади. Ишчилар, инженер-техник хўжимлар, қолхози-деҳқонлар ва меҳнатзаҳорлар ана шу мусобақа асосида ишлаб ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. 20 декабрда Тошкент саноати ялпи маҳсулот ишлабчиқариш йиллик плавини бажариб, ўтган йилгача нисбатан ишлабчиқариш ҳажми 14 процентдан кўпроқ ошди. Ҳозир шаҳардаги қалар ошқ қорхона 1955 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Областининг қолхози ва совхозлари бу йил галла, шол, қорғоқ териси, сабазор тайёрлаш давлат плавинини муваффақиятли бажаришлар. Бу йил давлатга ўтган йилгача қарангилла жўт, қаноп, шилла, гўшт, сўт ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари анча кўн топширилди. Давлатда йилги олинган ҳосил ўтган йилгача бирмунча кўн пахта тайёрлаш имконини берди. Маҳаллий партия, совет ташкилотларининг вазиаси—эришган муваффақиятларини мустаҳкамлаб, меҳнаткашлар оғамининг куч ва гайратини бешикчи бешиллик плавини мухатиялан илгари бажариш учун курашга сафарбар этишди. ҳосилни батамом йиғиштириб олиб, 1955 йилда пахтадан мўз ҳосил етиштириш ва агротехниканинг янги усулларини кенг қўлланиш учун ҳартафлама пухта тайёрларлик қўришдан иборат.

Ўзбек халқи ўз республикасининг 30 йиллигини нишонлар экан, халқ ҳўжалиги ва маънавияти соҳасида эришган барча муваффақиятлари, ўзининг бахтли ва кўноқ ҳаёти, фаровон турмуши учун шонли Коммунистик партиядан, Совет ҳукуматидан, улуғ рус халқи ва СССРдаги бошқа барча қардош халқларининг бирозларча ёрдамидан беҳад миннатдорлар.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ
Тўғрисида 1954 йил 25 декабрьгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(процент ҳисоби билан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Маъсум бошдан	Районларнинг номи	Бир кунда	Маъсум бошдан
Сирдарё	0,08	98,37	Оққўрғон	0,14	79,51
Орғонниёз	0,36	97,15	Ховос	0,09	79,50
Найинин	0,32	96,94	Чиноз	0,03	78,72
Юноричирки	0,02	95,54	Онтайёр	0,13	74,52
Мирзачўл	0,07	94,09	Охангарон	0,07	71,88
Ворхне-волинск	0,06	93,35	Бекобод	0,20	71,18
Куйичирки	0,33	89,88	Паркент	0,19	66,36
Гулистон	0,09	88,73	Паркент	0,08	66,12
Янгийўл	0,17	80,61	Уртачирки	0,15	64,78
Бука	0,15	80,42	Уртасарой	0,06	64,51



Тошкент, Қизил майдон. Ҳукумат уйи.

А. Палехов фотоси.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг Ўзбекистон ССР ўттиз йиллигига бағишланган сессияси

25 декабрда Тошкентда Навоий номи давлат опера ва балет театрида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг республиканинг ўттизйиллигига бағишланган сессияси бўлиб, Саноат ва транспорт илгирлари, фан, маънавият ва маънавиятнинг ҳалқ ҳўжалиги ва маънавияти янада зўр бериб ривожлантириш учун, СССР халқларининг дўстлигини ва пролетар интернационализминини мустаҳкамлаш учун, бутун дунёда тинчликнинг таъини бўлган Совет социалистик давлатининг куч-қудратини ва мулофа қобилиятини мустаҳкамлаш учун, мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун сабот билан кураш олиб боришни ўларнинг ватанпарварлик бурчи деб ҳисоблайдилар.

Сессияни Тошкент шаҳар Совети ажроия комитетининг раиси Х. И. Юсупова очди. Совет Иттифоқи Гимнининг сатлари таъинлади янграйди.

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ўттизйиллиги» тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Х. А. Гўломовга сўз берилди.

Докладчи Ўзбек халқининг революциядан илгирини ва кейинги даврда босиб ўтган тарихий йўлини батафсил ҳарактертаб берди. У, Ўзбекистон ССРни ташкил этишда ва республиканинг ҳалқ ҳўжалиги ҳамма маънавиятини юксалтиришда В. И. Ленин ва унинг содиқ шоғирли И. В. Сталиннинг гўт катта роль ўйнаганлигини, Ўзбек халқининг эришган муваффақиятлари ленинча-сталинча миллий сиёсат

нинг тантанасини эркин исбот этишга, Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг иқидий кучини ифода қилганлигини таъкидлади.

Докладчи сўзининг охирида бундай дейди:

— Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида бешиллик плавини мухатиялан илгари бажариш учун, мамлакатнинг пахта билан тўла таъминлаш учун, республиканинг ҳалқ ҳўжалиги ва маънавияти янада зўр бериб ривожлантириш учун, СССР халқларининг дўстлигини ва пролетар интернационализминини мустаҳкамлаш учун, бутун дунёда тинчликнинг таъини бўлган Совет социалистик давлатининг куч-қудратини ва мулофа қобилиятини мустаҳкамлаш учун, мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун сабот билан кураш олиб боришни ўларнинг ватанпарварлик бурчи деб ҳисоблайдилар.

Зад гўмбурлар остида Ўзбекистон ССР Гимнининг таъинлади сатлари янграйди.

Сессия қатнашчилари учун катта концерт қўйиб берилди. Бу концертда Ўзбекистон пойтахтининг энг ахши артистлари қатнашдилар. (УзТАГ).

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигига бағишланган илмий сессия

Шу йил 24 декабрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми Фанлар академиясининг катта конференция залда Ўзбекистон ССР ташкил топан кунининг 30 йиллигига бағишлаб илмий сессия ўтказди. Сессияда фанлар академияси системасидаги институт ва илмий муассасаларнинг ходимлари, олимлар, партия ва Совет ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Бунда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти К. Житов «Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг 30 йиллиги» деган темада мазмунли доклад қилди. У, ўз докладыда Ўзбек халқининг Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрликлари туфайли, улуғ рус халқи ва олимларининг яқинлаш ёрдамида республика ҳалқ ҳўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда қўлга киритган катта муваффақиятлар ҳақида батафсил гапирди.

Докладдан сўнг қўшимча докладлар тинглади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси, Сталин мувофоти лауреати, машҳур селекционер С. Қанаф пахта ҳосилини янада оширишда қишлоқ ҳўжалик фанининг вазиаслари ҳақида гапирди. Ўзбе-

кистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'золари Х. Абдуллаев Ўзбекистонда геология фани эришган ютуқлар ва навобатдаги вазиаслар ҳақида, О. Солиқов Ўзбекистонда химия фанининг ривожланиши ва бу фан олдида турган навобатдаги вазиаслар ҳақида кенг тўхтадилар. Тарих фанлари кандидати В. Шипкин эса сессия қатнашчиларини Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда олиб бориладиган археологик текширишларнинг ахуллари билан таништирди.

Доклад ва музокарада сўзлаган ҳамма ўртоқлар 30 йил ичида халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида, фан ва маънавиятнинг ҳалқ маорифини гуллаб-яшнашда, илмий-текириш ишлари ва олий таълимни ривожлантиришда Ўзбек халқи эришган катта муваффақиятлар Коммунистик партия томонидан изчиллик билан амалга ошириладиган ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг порлоқ ғалабаси, СССР халқлари дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг яққол намунаси эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Сессияда қилинган доклад ва сўзланган нутқлар сессия қатнашчиларида чўқур таассурот қолдирди.

„Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ Халқаро Сталин мукофотлари белгиловчи комитетда

КУБА ШОИРИ НИКОЛАС ГИЛЬЕНГА ХАЛҚАРО СТАЛИН МУКОФОТИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ

... Совоқлар уйининг Колониза зали, 24 декабрда совет бахчислари Иккинчи с'езиданинг таралови мажлиси таном бўлган кейин бу ерда Кубанинг отқиди шоири ва тинчлик учун актив курашчи **Николас Гильенга** Халқаро Сталин мукофоти тантанали сўратга топширилди.

Комитет раиси академик Л. В. Скобелкин тантанали мажлисини очиб, шоирга с'езиданом этибган кўнларига, совет ёзучиларининг қардошлик оиласида мукофот топшириладиганлиги муҳим жаълигини таъкидлаб ўтиб, Совет ёзучилари, — дейи Комитет раиси, — бутун дунёда маънавият мастерларининг илгир отқиди сифатида машҳур бўлишлар. Улар ўз халқи билан биргаликда бутун дунёда тинчлик учун курашмоқдалар. С'езид делегатлари Халқаро Сталин мукофоти лауреати **Николас Гильенга** ва президиумга ўтирган Комитет а'золари — Луи Арагон, Анна Зегерс, Пабло Неруда, Михаил Садовну, А. А. Фадеев, И. Г. Эренбургнинг самимий табрикландилар.

Комитетнинг шоирга мукофот бериш тўғрисида шу йил 18 декабрда чиқарган қарори рус ва испан тилларида ўқиб берилди. Академик Скобелкин Николас Гильенга олтин медаль ва лауреат дипло-

мини топшириганида залда гулдорос, лавонка бўлган навобат туйғуларини, ажнаний элимларга муҳаббат туйғуларини, ажнабий элимларга муҳаббат туйғуларини ҳам тобора ўсмоқда, одамлар тинчликни сақлаб қолш учун курашши зарурлигини тобора равшан тўшунмоқдалар.

Тинчликни химоя қилуши Совет Комитетининг раиси Н. С. Тихонов нутқ сўзлайди. У, тинчлик тарафдорлари бўлган совет кишилари номидан лауреатни ва у орқали тинчликни химоя қилиш йўлидаги жўд ҳаракатига ўз ҳиссасини қўшган Куба халқини, самимий табриклайди.

Бразилия ёзучиси **Жоржи Амаду** Латин Америкасидаги олдин кишиларнинг куйчиси, мари курашчи Николас Гильенга тўғрисида гапирди. «Латин Америкасидаги халқларимиз — теди в' каттиқ курашларини кеңирмоқдалар. Америкада вўшловини ёзучилар мамлакатларимизни тобора қаттиқ аъмоқдалар, давлат ўзгаришлари ва анғи қолли институтлар заҳарли қўнқорини каби авж олмоқда. Бизнинг мамлакатларимизда олқин ташналик ажл олмоқда. Бизнинг мамлакатларимизда одамларга бериладиган нон микдор жўда қамайтирилмоқда ҳамма юзлар кишилари томонидан бизга берилган ҳўқуқлар гўт

чоланмоқда. Лекин шунга қарамай тинчликка бўлган муҳаббат туйғуларини, ажнаний элимларга муҳаббат туйғуларини ҳам тобора ўсмоқда, одамлар тинчликни сақлаб қолш учун курашши зарурлигини тобора равшан тўшунмоқдалар.

Гильенганинг овозини ана шу шайқатсиз курашчи, ана шу оқиб турган қонини ва бутун қит'амизда байроғимиз бўлиб қолган ана шу орауларини куйлайди. Шоир Куба тўғрисида худди шундай бирламлик туйғуларини билан куйлайди. У, Бразилия ва Чили, Гватемала ва Венесуэла, Колумбия ва Порто-Рико, Гаити ва Панама халқларининг бошлада ётган қулаётлар ва уларнинг проласини куйлаш учун муҳаббат овозини ва элимларини қоралаш овозини балани кўтарали».

И. Г. Эренбург лауреатни совет ёзучилари номидан табриклади. У, совет китобхондарида ма'лум бўлган Гильенганинг поэзияси ҳақида гапирди.

Пабло Неруда самимий нутқ сўзлади. У куйилагиларни айтиб: «Гильенга—тинчликнинг улуғ курашчиси. Унинг номи ва шеърлари иссиқ Атлантик океан ақинидаги Веракеруелан тортиб сувни Тинч океан ақинидаги Вальпарайсогача ҳамма ер-

да машҳур бўлиб, халқлар кураши қувончини куйлайди. Бутун дунёдаги соф виждонли кишилар онгиди тинчлик ва Сталин сўзлари бира қўшилиб кетгани каби онгидида бу сўзлар ана шу халқ шоирининг қалбидан жой олди».


Хитой ёзучиси **Дин Лин** минбарга чиқди. У, Гильенга муражаат қилиб бундай дейди: «Хитой халқи ўз ватанида севали, хитой халқи арсиялик ва кураш аччиғини татиб кўрган. Ғалаба қозониш учун қандай оғир йўлни босиб ўтиш кераклигини ахши билмади ва биз ҳозирги кунда курашиб қўлга киритилган эркинликни қандай сақлаш кераклигини ҳам жўда ахши билмади. Биз, кишиларини қандай сенип кераклигини ва қулафта қолган халқни қандай сенип кераклигини билмади. Шунинг учун ҳам Гильенга, сенинг орауларининг биз ахши тўшунмади. Сен Хитойда нотаниш киши эмассан, сенинг у ерда ақин дўстларинг қўн».

Четел маънавият вакиллариининг нутқлари гулдорос қарсақлар билан доим бўлиб турди.

Халқаро Сталин мукофоти лауреати **Николас Гильенга** жавоб нутқи сўзлади. (ТАСС).

Ўзбекистон


БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГ- ЛАРИНИНГ СОВҒАСИ



Эртой ҚУШИМБОВ.

Анна МАСЛОВА

✦ 1914 йилда Тошкент шахрининг умумий бюджети 1,5 миллион сўмдан саноат-ортиқроқ бўлган бўлса, 1954-йили 347,4 миллион сўмга етди.



Яйра АБДУЛЛАЕВА.

Ҳозир Чирчиқ электрохим-
комбинатининг ўзида 800 га
яқин аппаратчи Маслова ме-
тоди блан ишлаб, йилига
бирнеча миллионлаб давлат
маблағини тежамоқда.

РАКАМЛАР

Гувоҳ унда ҳарбир боб:
Хон, амирлар, чорлар этдилар вайрон,
Асрларинг чўлда ўтган бир карвон-
Наби-эди, бахт тўзонда бир сароб...

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Раиси.

Кушлар сайрар унда бас-мабас.
Фонтанлардан сарин нумуш елпигич
Елпиб ётар катоп яшил шахрингни.

Ғолиб, ойдin келажакка боққан он
Бу миннатдор дилдан янграр сўзимиз:
Бирлаштирган, қудрат берган, меҳрибон
Партиямиз,
Сенга ташаккуримиз.

Ўзбекистонда олий мусиқа ўзув юрталари—Тошнинг Давлат консерваторияси ва биринчи сайини мактаблари, шунингдек Москва ва Ленинград консерваторияларида ва мусиқа арбобларининг яқиндан кўрсатган бирамлари натижаида биринчи даражалик ўзбек совет композиторлари ва мусиқашунослари тилиб чиқди. Булар орасида халқимизга танилган йирик композиторларимиз Мухом Амрафий, Мутал Бурхонов, Мамас Жейев, Сулаймон Юсубов, Дони Зокиров, Наром Абдаров, мусиқашунос Илғас Акбаров ва ёш композиторларимиз Собир Бобожаҳон, Мухомедов, Қолдиров, Хамроев, Имомов, Назаров ва шоҳларимиз кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда опера, симфония, камер мусиқалари ва кўпшанга кун сайин кўпаймоқда ва халқимизга тобора манзур бўлмоқда.

МУҲАМЕДОВ.

Ўзбекистон металлургия заводининг директори.

**Ўзбек музыка маданияти
ривожланимуда**

Буюк Октябрь социалистик революцияга қадар Ўзбекистонда миллий мусиқа қолоғ ва ачинари аҳволда бўлиб, ашула ва чегуллар оғир шариоҳда яшар эдилар. Буюк Октябрь революцияси билан сўнг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати билан дониш ғрами тўғриси бепеи мамлакатини халқларининг, шу жумладан Ўзбек халқининг сан'ати театри ва мусиқаси тез сур'атлар билан ривожланаётганлиди. Бироволи-мунгал мусиқа кўпозлари ва жанрлар оҳангларга яна бўлган.

Биринчи ўзбек композитори ҳамда ҳақимзода Нисий
1918—1919-чи йиллари Фарғонада театр ансамблини ту-
ғди. Узи унинг учун асарлар ёзи ва музика ижод қилди. Ўзбек
музика ансамблини келтирди. Тошкентда ва ўша
йиллари етдири руз ораторга-композитори Виктор Александро-
вич Успенский раҳбарлигида халқ консерваторияси ташки
қилинди. Бунда ўзбек халқлари музика билимини яғаллаб-
берилади.

1927 йилда Самарқандда этнограф, композитор Николай Назарович Миронов раҳбарлигида музика институти ташкил этилини.

Узгур рус хаддининг ёрдами натижасида Ўзбекистонда мука
маданиятининг ушун сабини ривожланиб боради. Ёнг отеда
овет композиторларидан Р. М. Галло ва С. Н. Василетовлар Ўзе
керасининг ривожланиши учун ақлидан ёрдам бердилар.
лар Ўзбек композиторлари билан ҳамкорликда «Бурун», «Буёк
анал», «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» каби операларини яра
ди. Ўзбек композиторларининг мадхотини оширишда ва муна
маданиятига ривожлантиришда ўзларининг шайта хисса
ларини қўйдилар.

Ўзбекистонда олий мусиқа ўзув юрталари—Тошнинг Давлат консерваторияси ва биринчи сайини мактаблари, шунингдек Москва ва Ленинград консерваторияларида ва мусиқа арбобларининг яқиндан кўрсатган бирамлари натижаида биринчи даражалик ўзбек совет композиторлари ва мусиқашунослари тилиб чиқди. Булар орасида халқимизга танилган йирик композиторларимиз Мухом Амрафий, Мутал Бурхонов, Мамас Жейев, Сулаймон Юсубов, Дони Зокиров, Наром Абдаров, мусиқашунос Илғас Акбаров ва ёш композиторларимиз Собир Бобожаҳон, Мухомедов, Қолдиров, Хамроев, Имомов, Назаров ва шоҳларимиз кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда опера, симфония, камер мусиқалари ва кўпшанга кун сайин кўпаймоқда ва халқимизга тобора манзур бўлмоқда.

Т. СОДИКОВ.

Сталин-мужикоти, лауреати

БАХТ ҚҰШИҚЛАРИ

Мамарасул БОБОЕВ.

Кушлар сайрар унда бас-мабас.
Фонтанлардан сарин нумуш елпигич
Елпиб ётар катоп яшил шахрингни.

Ғолиб, ойдin келажакка боққан он
Бу миннатдор дилдан янграр сўзимиз:
Бирлаштирган, қудрат берган, меҳрибон
Партиямиз,
Сенга ташаккуримиз.

Т. СОДИҚОВ,



Чирчиқ шаҳри Ўзбекистоннинг янги шаҳарларидан бири. Суратда: шаҳардаги 9-чи ўрта мактаб ва тўрт қаватли уй-жой бинолари.

Шаҳримизнинг истиқболи порлоқ

Коммунистик партия раҳбарлигида, Совет ҳукумати томонидан қўриқиб тутилган ҳаётимизда бариб барча совет халқларининг қардошларча ёрдами туфайли Ўзбекистоннинг қиёсаси қисқа муҳлат ичида тубдан ўзгариб кетди. 30 йил ичида республикамиз хўжалигида туб ўзгаришлар юз берди. Илгари бундан бундан, ташлашди ҳолда ётган ерларда қатта-қатта социалистик шаҳарлар қад кўтара бошладилар. Социалистик Чирчиқ шаҳри шулар жумласидандир.

Чирчиқ шаҳрининг ҳаёти социалистик Ўзбекистон тарихи билан қамбарча боғланган. Шаҳар пойдеворининг биринчи топи қирқинчи йилларнинг бошларида қўйилди. Илгари бу ерда Нисабек, Қирғизқўлоқ, Қирғизқўлоқ каби кичкина қишлоқчалар жойлашган бўлиб, бу ерларда бундан илгирари йиллар илгари ҳеч қандай саноат корхоналари йўқ эди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ўзбек халқи олдида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш, пахта ҳосилини ошириш вазифасини қўйди. Бу вазифани бажариш учун қолхоз ва совхозларда минерал ўғитлар билан таъминлаш керак эди. Қолхоз ва совхозларнинг минерал ўғитлар билан таъмин этиш мақсадида Чирчиқ гидроэлектростанцияси тизимлари ва электротехника қурилиш бўлими ташкил топди. Партия ва Ҳукуматнинг раҳбарлиги, меҳнатшанларнинг ижодий меҳнати туфайли ҳозир Чирчиқ шаҳри химия, энергетика ва машинасозлик саноати шаҳрига айланиб кетди.

Шаҳримиздаги саноат корхоналарининг сони йилдан йилга ортиб бориб, 1940 — 1941 йилларда Сталин номи электротехника комбинати, «Средазхимваш» — «Чирчиқселимаш» заводлари қурилиб ишга туширилди. Электротехника комбинати қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликка зарур бўлган минерал ўғитларни бундан бундан қўриқиб берибди. «Средазхимваш» заводи эса мамлакатимизнинг химия му-

ассасаларига химия ашаратлари ва компрессорлар ишлаб чиқармоқда. «Чирчиқселимаш» заводида ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик машиналари қардош республикаларнинг кенг далазларида қолхозчиларга хизмат қилмоқда. Чирчиқ химиялари ва машинасозлари ўртасида қўйилган новаторлар етиштиб чиқдилар. Улар ўзларининг иш намуналари билан республикамиз ва ҳатто бутун мамлакатимизга долг чиқардилар. Электротехника комбинатининг новатор ашаратчиси, СССР Олий Советининг депутаты Ани Маслованинг технология жараёнининг а'ло даражада бончарини ташлаб бериш мамлакатимизнинг химия корхоналари коллективи ўртасида кенг қўллаб-қувватланмоқда.

«Чирчиқселимаш» заводининг илгори машинасозлари — Чирчиқнинг шека қуручиси Тошўлат Эргашев, қуручи Ортиқали Эшматов, пресси Озга Ноталенко, токар В. Владимир Сачков ўртоқлар Ўзбекистоннинг 30 йиллиги арафасида фидокорона меҳнат қилиб, ҳаммамнинг хўжалигига саноат бўлидилар. Улар социалистик мусобада асосида ишлаб, бончарини бешйилликнинг биринчи йилдан бундан 8—10 йиллик нормаларини бажараб қўйдилар.

Шаҳар саноат корхоналари 1954 йилда 1940 йилдаги нисбатан 6 мартадан ҳам кўпроқ маҳсулот етказиб берибди.

Халқ исте'мол моллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам қатта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шаҳримиздаги пойфоб ва тикучилик фабрикалари, «Промкомбинат» шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқармоқдалар.

«Чирчиқселимаш» заводининг коллективи 1954 йилда кўза қатор ерларини ишлаб чиқариш янги машина ишлаб чиқариш, шу жумладан кўрак теруви машина ишлаб чиқаришнинг ўлаштириди. Кўрак теруви машина 60 дан кўпроқ киши меҳнати-ни бажаради.

Шаҳар аҳолисининг ҳаёти йилдан-йилга фаровон бўлиб бормоқда, муҳташам ва

шимам уйларининг сони кўпаймоқда, факат кейинги беш йил мобайнида 30 минг квадрат метрга яқин уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди, индивидуал тарзда уй қуручларининг сони анча кўпайди, янги кўчалар ташкил қилинмоқда.

Еш аҳолининг ўқилиш, билим олиши учун шаҳарда бутун шартлар яратиб берилган. Шаҳарда ҳозир 15 мактаб, 3 техникум, медицина ва музыка мактаби ишлаб турибди.

Шаҳримизнинг истиқболи порлоқ. У, келажикда янада яшайди, саноати ва маданияти юксалади. Кейинги йилларда маданий-маиший қурилишларга ажратилган маблағ анча кўпайди. Ҳозир бирнеча мактаб бинолари, химикалар маданият саройи, машинасозлар клуби қурилмоқда. Савдо тормоқлари учун зарур бўлган бир қатор бинолар, коммунал хўжалик муассасалари учун бинолар қуриш ишига киришилди.

Яқин яқин-уч йил мобайнида янада каттароқ қурилиш ишларини амалга ошириш белгиланган. Уй-жойлар қурилиши ҳар йил 2 мартадан кўпроқ ортиб боради. Ёсти, бонча ва учта пионер лагери, медицина техникуми биноси, молчи ва алоқа органларининг ҳодимлари учун янги уйлар қурилади. Яқин вақт ичида янги қишлоқ кинотеатр ва биринчи навбатда совет-қолхоз бозори қуриб битказиладилар.

Чирчиқ шаҳрининг қиёсаси йилдан-йилга таниб бўмаслик даражада ўзгариб бормоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлиги остида, узу рус халқларининг ва мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча ёрдами туфайли социалистик шаҳримизнинг экономикаси ва маданияти гурӯҳириб ўсмакда.

В. ХАЙДАРОВ,
Меҳнатқашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

ЯНГИ САНОАТ МАРҲАЗЛАРИ

Бекобод

Бекобод ўтмишда кўза кўринмас кичик бир қарор қишлоқ эди. Совет ҳукумати йилларида бу кичик қишлоқ индустриал социалистик шаҳарга айланди. Бу ерда В. И. Ленин номи Ўзбекистон металлургия заводи, цемент, асбобчилик, пахта тозалаш заводлари, Фарход ТЭС, пушт, нон комбинатлари ва бонча саноат корхоналари қурилади.

Урушдан кейинги бешйилликлар даврида социалистик Бекобод янада қамол топди. Саноат корхоналарининг кенгайиши билан шаҳар меҳнатқашларининг маданияти ҳам ўсиб. Ҳозир шаҳарда маданият ва истроҳат бонлари, 5 кино-театр, 9 та ўрта ва етти йиллик мактаб (уларда меҳнатқашларнинг 4 мингдан ортиқ ўғил ва қизлари ўқимокда), 15 кутубхона, 5 та касалхона, 3 поликлиника, бозалар бончалари, ласилар, турмушхоналар ва бонча маданий-маиший муассасалар ишлаб турипти. Шунингдек, қолдирча янги бинолар қад кўтарди, шаҳар кўчалари ва тротуарлари асфальтланган. Шу йилнинг ўтган ойлари ичидаги 70 дан ортиқ уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳарнинг келажиги янада порлоқ. Ҳозирги вақтда шаҳар полициясининг янги биноси, шаҳар саноат комбинатининг

гит заводи, металлургия клуби ва бонча қатор маданий-маиший бинолар қурилиш бонча юборилди.

Металлургия заводи ва Хилкова станциясининг ишчилари ўзлари учун яқин тартибда уй-жой қуриб олмақдалар. Меҳнатқашлар депутатлари Бекобод шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан 1954 йилда уй қуручларига 100 минг ошман ортиқроқ соҳа берилди.

Янгийўл

Бешйилликлар даврида республикамизда, шу жумладан областимизда бирнеча шаҳарлар қуриб кетди. Янгийўл шаҳри ана шулар жумласидандир. Янгийўлнинг шаҳарга айланишига бу йил роса 10 йил бўлди. Утган ўй йил ичида шаҳар таниб бўмаслик даражада ўзгариб, у бон бўлди.

Янгийўлда кўпгина енгил ва озиқ-овдат саноати корхоналари жойлашган. Бу ерда 6 ишлаб чиқариш, консерва ва гит заводлари, тикучилик-пойфоб комбинати, вино заводи каби уйлаб йирик корхона бор. Шаҳардаги пахта тозалаш заводи, резина-техника заводи, гит комбинати, саноат комбинатлари ва бонча корхоналари 1954 йил пиланини мулатлидан илгари бажариб, ҳозир келгуси йил ҳисобига ишлаб турибди.

Янгийўл айниқса сўнгги йилларда гуллаб-ғашнади. Шаҳарда кўп саноат корхоналари, жамоат бинолари, маданий-маиший ва уй-жой бинолари қурилади. Шу кунларда тикучилик-пойфоб комбинатининг иккинчи қорғуси, қатта қонитер фабрикаси қурилиши таломланмоқда, ё-ёшчилар заводи қурилиб ишга туширилди. Иш охиригача аса бирнеча хонали уйлар ва маданий-маиший бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳар ўзининг қатта ҳашаматли кино-театрига, бирнеча ўй минг китоб фондига ага бўлган кутубхонасига, театрига ага. Шаҳар маданият уйи ҳақиқатан ҳам меҳнатқашларнинг маданий дам олиш марказига айланди.

Партия ва ҳукуматимиз меҳнатқашларнинг бой ва бадавлат турмуш кечирishiлар, ёш аҳолининг саром, қувноқ ўсишлари ва билимдон бўлиб етишишлари учун тикмай раҳмхўрлик қилмоқдалар. Шаҳарда ҳунар мактаби, медицина техникуми, бонча уйи ва ўнлаб мактаблар бор. Буларда шаҳар меҳнатқашларининг 6 мингта янги ўғил ва қиз билан олмақда. Янги ўғил йилида икки қаватли бир ўрта ва янги етти йиллик мактаб бинолари қурилиб ишга туширилди.

Янгийўл — социалистик шаҳарлар. Унинг келажиги порлоқ, у бундан кейин ҳам ўсиб, бон бўлади.

Тошкент область Советининг сессияси

Ўтган кун Мудийи номи театр биносиде меҳнатқашлар депутатлари Тошкент область Советининг тўртинчи чакриқ VI сессияси бўлиб ўтди. Сессия област Совети ижроия комитетининг 1953 — 1954 йиллар мобайнидаги иш тўғрисида ҳисобини ештиди. Бу масала юзасида област ижроия комитетининг раиси ўртоқ Жалолов доклад қилди.

Докладчи област ижроия комитети ҳисобот даврида област халқ хўжалиги ва маданиятини кўтаришга қаратилган бир қатор тадбирлари амалга оширилганини саноат корхоналарига талабга мувофиқ даражада раҳбарлик қилинмаганини ҳамда област ижроия комитети қишлоқ хўжалигига қонқарис раҳбарлик қилгани устида тўталади.

Сессия ўз а'тборини област хўжали-

гида, биринчи гада қишлоқ хўжалигида содир бўлаётган қамчиликларга, област ижроия комитетининг иш ва раҳбарлик услубидаги қамчиликларга қаратди.

Сессияда сўзга чиққан депутатлар пахтачиликнинг ва қишлоқ хўжалигининг бонча тормоқлари орқда қолдирганининг сабаби област ва район ижроия комитетлари қолхоз ва совхозларга юзак раҳбарлик қилдирганида эканини алоҳида уқириб ўтидилар.

Сўзга чиққан кўпгина депутатлар област ижроия комитети сайловлар нақазини тўла бажармаётганини ўқили танқид қилдилар. Област ижроия комитети ва унинг бўлимлари бондончилик ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш иш ахлиш иш билан шуғулланмайтир. Уй-жойлар қурилиши ишлари айниқса ёмон

аҳволда. 1954 йилнинг 9 ойи ичида уй-жойлар қуриш пилани факат 31,9 процент бажарилган, ҳоло.

Сессияда ижроиянинг соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, савдо бўлимлари ва маданият бонқармаси ўз ишлари юзак қаратганиларни қаттиқ танқид қилинди.

Чирчиқ шаҳар совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хайдаров ўз сўзида област ижроия комитети ва айниқса унинг халқ маорифи бўлими мактаблар ишлари ахлишлага бюрократларча муносабатда бўлаётганини қаттиқ танқид қилди.

Област Советининг сессияси хўжалик ва маданий қурилиш ишларига област ижроия комитетининг раҳбарлигини ахлиш тадбирлари белгиланган қарор қабул қилди.

ТАСС БАЁНОТИ

Франция Миллат Мажлиси Франция президентига Ғарбий Германияни ремилитаризация қилиш тўғрисидаги ва Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқини вужудга келтириш ҳақидаги Париж битимларини ратификация қилишга рўхсат бериш тўғрисидаги таклифни 24 декабрда рад этганлиги муносабати билан Америка Қўшма Штатлари ва Англия Францияга зўр бериб та'йик кўрсатмоқдалар. Президент Эйзенхауэр ва Англия Ҳукумати Франция Миллат Мажлиси қабул қилган қарорининг қайтадан кўриб чиқишига ҳаракат қила-жақларини билдирдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси Франция билан ҳисоблашмай, тақдир этиш йўли билан герман вермахтининг қайтадан тиклаш учун қилинмоқда.

Совет раҳбар доиралари мазкур баёнот ва таҳдидларни Париж битимларининг Франция томонидан ратификация қилинишига эришиш мақсадида Франция парламентига ва Франция ҳукумати га тапқари-дан сурбеларча та'йик кўрсатиш деб ҳисобламоқдалар. Совет раҳбар доиралари Париж битимларини ратификация қилиш масаласининг Франция Миллат Мажлисида муҳокама этилиши ва 24 декабрда бонча овозлар Франция халқи Ғарбий Германияда милитаризмнинг қайтадан тик-ланиши (Париж битимлари шунинг қўла-тутади) Франциянинг миллий хавфсизлиги учун жиддий оқибатларга сабаб бўла-ганини аниқлаганини кўрсатади, деб ҳис-обламоқдалар. Мавжуд да'воларга қарамай,

Париж битимларининг ратификация қили-ниши Германия масаласини ҳал этиш юзасидан музокаралар охири бонча ҳа-лқат бериб ва бундай музокараларнинг аҳамиятини йўққа чиқаради, деган фикр Францияда тобора ўсмакда.

Франциянинг хавфсизлигини умуман Европанинг хавфсизлигидан сра ажратиш мумкин эмас. Франция билан Совет Итти-фоқи ўртасида тарихий тажриба билан тас-диқланган а'слик ва ҳамкорлик муноса-батларини ривожлантириш ҳамда мустақ-қамлаш умумевропа хавфсизлигини мус-таҳкамлаш ишига ва янги урушнинг оқли-ни олиш ишига қўшилган бонча қатта ҳисса бўлаур эли.

Совет ёзучиларининг Бутуниттифоқ II с'езди

24 декабр ерталабки мажлис Н. Зарьян раислигида очилди. Бу мажлисда СССР Совет ёзучилари союзи ревизия қомиссиясининг доклады ешитилди. Ю. Либединский доклад қилди.

Раислик қилуш Ватанимизнинг ҳамма қисмида с'езд номига олинатган жуза кўп хатлар ва телеграммаларнинг бир қисмини ўқиб бериш учун М. Дуинига сўз берилди. Бу хат ва телеграммалар ил-соиятининг бутун тарихида адабиёт ҳе-қачон совет адабиётимизда қабил яшш ияят-ли ва а'тборли китобхонларга ага бўлма-ганлигини аққол кўрсатушчи далиллар.

... Докладлар ва қўшимча докладлар юзасидан музокаралар давом етди.

М. Горький номи жаҳон адабиёти инсти-тутининг директори профессор И. Анисимов совет адабиётининг халқаро аха-мияти тўғрисида гапирди. Биз, — деди у, — зўр қонилиш билан шу парасни кў-риб турибмизки, совет адабиётининг буюк тарихий тажрибалари халқ демократисини мамлакатларидеги ёзучиларнинг ўсишига ва қийинчиликларни енгишларига ёрдам бермоқда. Шу йиллар ичида совет ада-биёти билан бутун дунёвий прогрессив ёзувчилар ўртасида ма'навий алоқа тўх-товис қуялмоқда. Бу дўстлик инсоний маданияти истиқболи манфаатларини, умумий тинчлик манфаатларини муста-ҳкамлайди.

Г. Федоров Бони СССР адабиётининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди. у, ёзувчилар союзи правленисининг СССР халқлари адабиёти билан шуғулланушчи қомиссияни жойларига ёзувчилар ташки-лотлари билан амалий алоқа бонлашгани-ги учун танқид қилади. Совет ёзувчилари союзи правленисининг вакиллари, — де-ди у, — бизнинг областимизга уч йилда

бир келиб-кетдилар. Аммо узар меҳмон-лардек келиб-кетдилар. Ивление вақтла-ри икки-уч кунга келиб, шонилич билан пала-партиш ишлайдилар ва ҳе-қандай жиддий ёрдам кўрсатмайдилар. Совет ёзувчилар союзининг янги правле-ниесини маҳаллий ташкилотларга раҳбарлик қилиш ва мотозларини қайтадан кўри-б чиқиш керак.

Б. Лавренев совет драматургиясини рив-ожлантириш масалалари ҳақида гапир-ди. Тамопбили, — деди у, — авторнинг ҳозирги замон темасида ёзганман деб совет кишининг ёркин образларини ифо-да етмаган пессеени кўрганида манзур бўл-маганини билдирди. Б. Лавренев ай-тадики, ёзувчилар союзининг раҳбарлиги драматургияга ва драматургларга кўпроқ а'тбор бериши керак. Б. Лавренев театр танқиди янги пессаларга баҳо беришга кечибди, жуза «эстетик» билан иш кў-раётганини ва бонб чиқаришга песса тўғрисида унинг театр сахнасига қўй-илишдан илгари ўз фикрини онла-сон-лагина изхор қилаётганини та'кидлай-ди. Песса китоб эмас, китоблаг қамчи-ликларни яқинчи нашлашга тузатиш мум-кин бўлса, театрга иккинчи нашо йўқ. Бонб чиқаришга песса тўғрисида ма-мули рецензия ёзиш авторнинг песса сахнага қўйилишигача керакли тузатиш-лар кириштириш ёрдам берган бўлар эли.

Осетия адабиёти, — деди М. Цагарев, — ёзувчиларнинг икки с'езди ўртаси-даги даврада ўси, миллий драматургия юксали. Барча халқлар ўртасидаги ма-даний бойлиқларни ўртоқлашш — совет тузимининг, адабиётимизнинг қатта ала-басидир. Осетиялик марксизм-ленинизм классикаларининг асарларини, шунингдек Пушкин, Гоголь, Шевченко ва Руставели

асарларини, кўпимиллати совет адабиёти асарларини ўз она тилларида ўқимокда-лар.

А. Софронов драматурглар ёзаётган асарларнинг сифати тўғрисида бирқанча танқидий фикрларини айтди. Жумладан, у пессаларда тасвирланганлиги шахсар-нинг тили устида пухта жоий иш олиб бориш кераклигини ва пессаларга кўрсат-илганлиги кишиларнинг сўзлари ҳарак-терли ва маъмуни эмаслигини та'кидла-ди.

В. Кетлинская ёш ёзувчиларни тарбия-лаш вазифалари қўйилиши муносабати билан тақдирларининг янги асарларга ўз вақтида оператив баҳо бонлашмаётганли-кларини, бу асарларга жамоатчиликнинг а'тборини жалб етмаётганликларини кўрсатади. В. Кетлинская ёзувчилар со-юзининг бундан кейинги фаолиятига тўх-талиб, ёзувчиларнинг муваффақиятлари тўғрисида раҳмхўрлик қилиш, уларнинг хатотарини ўз вақтида самийий танқид қилиш — ана шу ижодкор ташкилотнинг илқиди марказида турини кераклигини уқтириб ўталай. Биз, — деди у, — союз раҳбарларининг янги асарларни референ-тар кўзи билан эмас, балки ўз кўзлари билан ўқиб чиқишларини етасили.

Ерталабки мажлисда Хусайн Мрувев (Ливан), Дамид-Сурун (Мўғулстон Халқ Республикаси) с'ездин табриқла-дилар. Ёзуш Стефан Гейм ҳам нуш сўзла-ди.

Шу кун с'ездда Кубанинг отқол поир-ни, тинчликнинг актив қурашчиси Нико-лай Гильберг «Халқлар ўртасида тинч-ликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофотининг топширилиши гоят қувноқли воқеа бўлди.

Аленауэр «жуза хафа»

НЬЮ-ЙОРК, 24 декабр. (ТАСС). Ассо-шиейтед Пресс агентлиги Бони мубри-рини хабар беришча, қанлар Аленауэр телефон орқали қилган сўбатига Франция Миллат мажлисининг қарорини ҳозирги пайтда шарҳлаб беришдан бон тортган у «бундан кейинги воқеаларга» кутти ишчига ажанглигини айтган.

Лекин, бонча расмий шахсларнинг баёнотида кўра, Аленауэр Франция мил-лат мажлисининг қароридан «жуза хафа бўлган».

ОБ-ХАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-хаво бюросининг ма'лума-тига қараганда, бутун Тошкент области ва Тошкентда ҳаво бироз бўлауналиб туриса ҳам ёғингарчилик бўлмайди. Температура 9—12 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМИ ТЕАТРДА — 26/ХII да кундуз Ҳамза нечқурун Оғриқ тиллар, 28/ХII да Оғриқ тиллар. ҲАМЗА НОМИ ТЕАТР ВНОСИ-ДА — 27/ХII да Ўзбекистон ССРининг 30 йиллигига бағишланган концерт.

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артист-лари Фотима Борухова, Махмуджон Гафуров, Илхон ёшлар фестивали лауре-соти Халима Комптова ва филармония режиссери қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бонлашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —

30 декабрғача ҳар кун — Ўзбекистон ССРининг 30 йиллигига бағишланган қатта байрам тамоналари. Циркнинг бутун труппаси қатнашади. Программада: юбилейга бағишланган янги номерлар ва янги иллюзион аттракцион. Бутун 3 мар-та тамона.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

Ўзбекистон ССР 30 йиллигига «РОДИНА», «ИСКРА» — янги кино-комедия Шоҳи сўзана.

НАВОИЙ номи — Насриддиннинг саргузашти кеч соат 8 ва 10 да Шайтон панжасини қирқамиз.

СОВИР РАҲИМОВ номи — Бой ила хизматчи (Ўзбек тилида), кеч соат 8 ва 10 да Шайтон панжасини қирқамиз.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6 гача Тоҳир ва Зухра (рус тилида), кеч соат 8 ва 10 да Шайтон панжасини қирқамиз.

«ЎЗБЕКИСТОН» — Насриддин Бу-хорода (рус тилида), кеч соат 8 ва 10 да Шайтон панжасини қирқамиз.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — Бой ила хизматчи (рус тилида), кундуз соат 4 дан Дадил разведка.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — Бой ила хизматчи (рус тилида), кеч соат 8 ва 10 да Дадил разведка.

Сеанслар олдидан лекция ва сўхбат-лар ўтказилади. Коллектив бўлиб кўриш учун закивлар ва телефон орқали за-казлар қабул қилинади.